

**ЖАМИЯТДА ТАШАББУСКОРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ШАКЛЛАНИШИ
МАСАЛАСИГА ДОИР****Сўфиев А.А.**

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида мамлакатимизда мулкчиликни тартибга солиш механизмлари ва янги шаклларининг меҳнат бозоридаги ўрни, жамиятда ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг шаклланиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: ислохотлар, интеллектуал фаолият, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, жамият тараққиёти, мулкдорлар синфи, ташаббускорлик ва тадбиркорлик, инсон манфаатлари, иқтисодиёт.

Аннотация В статье говорится о роли механизмов и новых форм регулирования собственности на рынке труда, формировании инициативы и предпринимательства в обществе в результате реализуемых сегодня широкомасштабных реформ.

Ключевые слова: реформы, интеллектуальная деятельность, экономические и социальные отношения, социальное развитие, класс собственности, инициатива и предпринимательство, интересы человека, экономика.

Abstract The article talks about the role of mechanisms and new forms of property regulation in the labor market, the formation of initiative and entrepreneurship in society as a result of large-scale reforms being implemented today.

Key words: reforms, intellectual activity, economic and social relations, social development, ownership class, initiative and entrepreneurship, human interests, economics.

Ўзгаришлар даврида, амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида мамлакатимизда мулкчиликни тартибга солиш механизмлари ва янги шакллари, айниқса интеллектуал фаолият орқали таркиб топувчилари, меҳнат бозорида ҳам инновацион инқилобни содир қилмоқда. Натижада иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда анъанавий кадриятлар ўрнига технологик ютуқлар тобора кириб келаётганини кўришимиз мумкин. Қарор топган мулкдорлар синфи жамият тараққиётида етакчи кучга айланиб бораётганини кузатиб, уларнинг мавқеи мустаҳкамланаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Мантқан куйидаги савол келиб чиқади: тадбиркорлик фаолияти натижасида дастлаб ўрта, кейинчалик йирик мулкдорлар синфи қарор топгач, жамиятимиздаги ижтимоий стратификациянинг кескинлашуви, турли мулкий зиддиятлар юзага келиши мумкинми?

Масалани ушбу тарзда қўйиладиган бўлса, шуни унутмаслик керакки, барча одамнинг бой-бадавлат бўлишга ҳақ-ҳуқуқи бўлса ҳам, лекин субъектив шарт-шароит ва омилларга кўра фуқароларнинг ҳаммаси бирдай ёки бирданига мулкдор бўла олмаслиги мумкин.

Шунингдек: “Инсон - давлат” муносабатларида устунлик инсонга берилиши мақбул: давлат, ҳокимиятнинг барча тармоқлари, фақат уларнинг фаолияти инсон

хуқуқларини муҳофаза қилишга бўйсундирилгандагина ўзларини оқлаган бўлади. Бунда давлат борлиги учунгина инсон мавжуд эмас, балки инсон борлиги туфайли давлат ҳам мавжуддир. Давлат, демакки, давлат номидан иш тутувчи раҳбар кадрлар инсон хуқуқларини ҳимоя қилишга, уларга хизмат этишга даъват қилингандир. Мана шу ҳолатдан давлатнинг ва раҳбар кадрларнинг вазифаси келиб чиқади ва белгиланади. Бинобарин, ислохотларнинг тақдири, жамиятимизнинг равнақи аввало, раҳбар кадрларнинг изланувчанлигига, янгиликка интилувчанлигига, фидойилигига, тафаккурига ва ташкилотчилигига боғлиқ” [1] Келтирилган хислат ва фазилатларга аналогик назар ташласак, улар нафақат раҳбар кадрларда, балки айнан тадбиркор шахсда ҳам мужассам бўлиши ҳамда уларга амал қилиниши унинг касбий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти соҳасида содир бўлаётган ўзгаришларнинг асосини инсон манфаатлари, яъни кучли ижтимоий сиёсатга йўналтирилганлигини кўрсатади. Бу йўлда ислохотларимиз бош мезони сифатида “халқпарвар давлат”, “халқпарвар иқтисодиёт”ни қарор топтириш орқали жаҳондаги энг юқори “ижтимоий индекс”га эга мамлакатлар қаторига киришни белгилашимиз керак.

Бинобарин, ушбу йўналиш ижтимоий амалиётда халқнинг ижодий ва серқирра меҳнат имкониятларини очиб бермоқда, кўп йиллар мобайнида ҳаётимизга кириб ўрнашиб қолган ва ижтимоий иллатга айланиб улгурган боқимандачилик психологиясига хотима бермоқда. Натижада жамиятда ташаббускорлик ва тадбиркорлик шаклланиб, унутилишга маҳкум этилган эгалик ҳисси қайта тикланмоқда. Шу ўринда австриялик иқтисодчи, социолог олим Йозеф Алоис Шумпетер ўзининг “Иқтисодий тараққиёт назарияси”да: “Тадбиркор - ўз хавфи остида бутунлай янги товарларни чиқариш ва сотишга қарор қилган шахс деб таърифланади. У янги маҳсулотни илгари суриш учун барча харажатларни ўз зиммасига олади ва мукофот сифатида уни монополистик сотиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, у бир вақтнинг ўзида ихтирочи бўлиши шарт эмас. Генри Форд бунга ёрқин мисолдир. Форд бир неча ўн йиллар давомида автомобилларни оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, унинг нархини пасайтирди ва бозорни эгаллаб олди” [2]. Бундан кўриниб турибдики, тадбиркор шахс биринчи навбатда янгиликка интилиши, ҳар қандай хавф-хатарларга қарамай таваккалчилигигина юқори натажага олиб келиши мумкинлиги аён бўлмоқда.

Олдимизга қўйилган вазифа тадбиркор шахс дунёқарашида ҳуқуқий маданият шаклланишининг объектив ва субъектив омиллари бўлгани учун кейинги йилларда эълон қилинган тадбиркорликка оид қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамияти хусусида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Эътироф этиш керакки, суверенитетимизнинг дастлабки йилларида “Мулкчилик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши, мамлакатимизни янги иқтисодий, яъни бозор муносабатларини таркиб топаётган жараёнларда, унда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ нормалар ҳуқуқий жиҳатдан тўла асослаб берилмаган эди. Бошқача айтганда, бу қонун тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни батафсил камраб олмайди. Буларни тартибга солиш учун устувор бўлган асосий масала фуқароларнинг тадбиркорлик қобилятини бутун чоралар билан ишга солиш, хусусан ишбилармонлик интуициясини шакллантириш, оилавий бизнесни таркиб топишининг норматив-ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш каби ҳаракатларда намоён бўлади. Мазкур қонунлар мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун махсус

норма сифатида хизмат қилди. Жамиятимиз тараққиётининг янги даврида 2022 йил 9 июндаги ПФ-150-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [3] ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Шунингдек, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” [4] ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан хусусий мулкчилик асосидаги тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги энг асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилди ва бу вазифани ҳал этиш учун бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолияти, шунингдек, оилавий бизнесни тартибга солиш ва бу борада қонунбузарликни олдини олиш ҳар қандай давлатнинг, аниқроғи тегишли давлат органларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтишнинг махсус хусусияти шундан иборатки, бу даврда, биринчидан, сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, енгил-елпи йўллар билан пул топиш ҳоллари тез-тез содир бўлса, иккинчидан, айрим давлат хизматчилари томонидан тадбиркор ҳуқуқларини камситиш ва поймол қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам 2012 йил 3 майда кучга кирган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” [5] ги қонунда хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат рўйхатидан ўтганидан бошлаб тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоялаш, уларни молиявий маблағлар билан таъминлашга кўмаклашиш ҳамда халқаро битимлар тузишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш чоралари белгилаб қўйилди.

Эндиликда кичик бизнес ва эркин тадбиркорлик учун янада кенг имкониятлар яратилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг IX-боби иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқларга оид бўлиб, унинг 41-моддасига асосан республикамизнинг барча фуқаролари мулкдор бўлишга ҳақли эканлигини кафолатлайди. Асосий Қонунимизда бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини мулк шакллариининг ранг-баранглиги ташкил этади, улар ҳуқуқий муҳофазасини таъминланиши, иқтисодий, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинликлари давлат томонидан кафолатланган.

Хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда барча мулк шакллари дахлсизлиги конституциявий кафолатланган. Шунингдек, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” [6] ги, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” [7] ги каби қонунларни модернизациялашаётган мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлари чуқурлашаётган даврида ҳам ўзининг ҳуқуқий мақоми ва аҳамиятини йўқотмаганини кузатишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. - Тошкент: Шарқ, 2011. - Б. 162-163.

2. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития: Капитализм, социализм и демократия - Москва: ЭКСМО, 2007. - С. 457.
3. <https://lex.uz/en/docs/6060527>
4. <https://lex.uz/docs/4473481>
5. <https://lex.uz/docs/2006789>
6. <https://lex.uz/docs/22525>
7. <https://lex.uz/docs/127010>